

ISLAMONLINE.UZ

halol.uz

Хабар



**Парҳезшунос нима сабадан ҳалол таомлар
ҳамма учун фойдали эканлигини айтиб берди**



Соғлом овқатланиш тарафдорлари орасида ҳалол маҳсулотлар тобора оммалашиб бормокда. Исломи динини яхши билмайдиган одамлар ҳалол тушунчаси фақат диний ва бошқа дин вакилларига тўғри келмайди, деб янглишмоқда. Бирок, ҳалол маҳсулотлар юқори сифат стандартларида ишлаб чиқарилади ва кўп сабабларга кўра соғломдир.

Парҳезшунос Марият Мухинанинг «Ямал-Медиа» нашрига айтишича, барча динлар

вакиллари ва атеистлар халол махсулотлардан фойдаланишлари мумкин, ҳеч қандай тақиқлар йўқ.

"Ислоннинг кўп асрлик анъаналари кўплаб халқлар маданиятининг сақланиб қолиши ва гуллаб-яшнашига хизмат қилди", — деди эксперт.

Марият Мухинанинг айтишича, халол махсулотлар соғлом ва пархез овқатланиш тарафдорлари орасида машҳур бўлиб кетган. Улар юқори сифат стандартларида ва кўп асрлик ислом анъаналарига мувофиқ ишлаб чиқарилади.

"Инфекция манбаи сифатида қон олиб ташланиши керак. Гўшти тайёрлаш гигиенаси - ҳайвон қандай сўйилгани ҳам муҳим. Бу жароҳатлар ва азоб-уқубатларсиз содир бўлиши керак. Бундан ташқари, ҳайвон бошқаларнинг қандай ўлдирилганини ҳам кўрмаслиги керак. Стресс гормонлари ҳайвоннинг қонида қолади ва гўшт пиширилганда деярли йўқ қилинмайди. Ўлимдан олдин азобланган ҳайвоннинг гўштини истеъмол қилиш инсоннинг юрак-қон томир ва асаб тизимига ёмон таъсир қилади", деди пархезшунос.